

## УЧИНЧИ РЕНЕССАНС САРИ ДАДИЛ ҚАДАМДА ЎҚИТУВЧИ ЎРНИ ВА МАҲОРАТИ

*Даминов Шохрух Фарход угли*

*Shokhruh1197@gmail.com*

**Аннотация:** Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни кудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу - илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ. Буюк юнон олими Аристотелнинг **“Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади”**, деган сўзлари бор<sup>1</sup>. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёвнинг 1 октябрь **“Ўқитувчи ва мураббийлар куни”** муносабати билан сўзлаган нутқи асосида тайёрланган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Ренессанс, уйғониш даври, демократик жамият, таълим тизими, таълим менежменти.

**Кириш.** Олий таълимни ислоҳ қилмасдан, ривожлантирмасдан эса ҳеч қандай замонавий тараққиёт ҳақида гап бўлиши мумкин эмаслиги маълум. Зотан, олий таълим илм-фан ривожини орқали мамлакат тараққиёти, халқ фаровонлиги, жамият маънавий-маърифий тақомилини таъминлашга қаратилган ҳаракатларни қувватлантирувчи асосий кучдир.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини таъкидлади. - Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак<sup>2</sup>.

Таълим-тарбия жараёнида эътиборимизни қаратишимиз лозим бўлган бир нечта йўналишдаги масалалар бор. Давлат ва ҳукумат идораларининг ҳозирги ислохотчилик сиёсати, бизнингча, икки босқичли мақсадни кўзда тутди: биринчи босқичда мамлакат ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини юксалтириш учун малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш; иккинчи босқичда рақобатбардош, дунё стандартларига мос, илмий таҳлил ва ечим топишга лаёқатли кадрларга эга бўлиб, хорижий ҳамкорликни кучайтириш натижасида

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийларга байрам табриги (2020 йил)

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 1 октябрь Ўқитувчи ва мураббийларга байрам табриги (2020 йил)

инвестицион ва бошқа қатор фаолият турларини йўлга қўйиб, доимий иқтисодий самарадорлик тизимини жорий этиш.

Бу мақсадлар олий таълим ривожини учун масъул вазирлик ва идоралар ҳамда ОТМларда фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчилар олдида бир қатор вазифалар қўядики, буларни ҳал қилмасдан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Умуман, Республикамиз Президентининг олий таълим соҳасидаги ислохотлари кишиларимиз онги ва тафаккурида ўзгаришлар ясаётгани келгусида катта муваффақиятларга йўл очиши шубҳасиз.

Президент Ш.М.Мирзиёев шундай дейди: “...Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам ҳал қиладиган энг муҳим устувор масаладир. Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан имкон қаратилмоқда”<sup>3</sup>.

Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2020-йил 24-январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида: “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш” деган дастурий ғоя ёшларни Она юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларда ташаббускорлик, фидойилик, ахлоқий фазилатларни шакллантириш - ўта шарафли вазифа эканлигини таъкидладилар<sup>4</sup>.

Бугунги кунда таълимга энг ноёб капитал сифатида қаралаёпти. Шу сабабли таълимнинг ҳамма босқичларида, таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва усуллариини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш орқали барча инсонлар учун уларнинг ҳаёти давомида сифатли таълим олиш имкониятини яратишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар, таълим сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган давлат дастурлари, ҳукумат қарорлари, таълим-тарбия жараёни иштирокчиларига қаратилаётган эътибор, улар учун яратилаётган шарт-шароитлар, таълим сифатини оширишдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш, таълим мазмунини такомиллаштириш билан бир қаторда, унинг сифатини илмий асосда бошқаришни ҳам тақозо этмоқда.

Ҳар қандай мамлакатнинг куч - қудрати унинг интеллектуал салоҳияти билан белгиланади. Бу эса бевосита таълим сифатига боғлиқ. Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар, иқтисодиётнинг инновацион йўналишда шакллантирилиши, жаҳон иқтисодиётига интеграллашуви таълим тизими олдида долзарб масалаларидан бири бўлган сифатли таълимни амалга оширишни ва сифатли мутахассисларни тайёрлаш вазифасини қўяди.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси

2017-йил 7-февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”да ҳам мамлакатда янги мазмундаги узлуксиз таълим тизимини яратиш вазифаси қўйилди, унинг таркибида эса янги мазмун ва моҳиятдаги инновацион олий таълим тизимини шакллантириш бош йўналиш сифатида белгилаб олинди. Бу нафақат бошқарув муаммолари, балки таълим жараёни субъектлари фаолиятини инновацион ташкил этиш технологияларини такомиллаштириш вазифаларини белгилайди. Демак, таълим тизимида инновацион жараёнларни ташкил қилишнинг илк қадамларидан бири бу - ўқитувчиларни инновацион педагогик жараёнга тайёрлигини таъминлашдир.

Дарвоқеъ, Ватанимиз тарихини ўрганиш орқали жаҳондаги илғор, тараққийпарвар, демократик кучлар ҳамда давлатларнинг тажрибаларини умумлаштириш асосида халқимизда янгича ижтимоий-сиёсий дунёқараш маданиятини шакллантириш, тараққиётнинг умумэтироф этилган тамойилларига асосланган йўллари тўғри белгилаб олишга кўмаклашиш, ўтмиш хатоларини такрорламаслик, улардан зарур сабоқлар чиқариш, тараққиётга, миллат келажагига хавф солувчи асосий омилларни олдиндан кўра олиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш, кўшни ва дунё халқлари билан ҳамжиҳатликда, тинч тотув яшашини таъминлаш мумкин бўлади.

Бу ҳақида Президент Ш.М.Мирзиёев шундай дейди: “...Барчамиз яхши тушунамиз, таълим-тарбия ҳар қайси давлат ва жамиятнинг нафақат бугунги, балки эртанги кунини ҳам хал қиладиган энг муҳим устувор масаладир. Шунинг учун мамлакатимизда бу масалага давлат миқёсида улкан имкон қаратилмоқда”<sup>5</sup>.

Эртанги авлод - бу Ўзбекистоннинг келажаги дегани. Бугун ёш авлодга қандай билим берсак, эртага шунинг натижасини кўрамиз. Шу аснода таълим-тарбия жараёнида ёш авлод тарбиясини инновацион асосда ташкил этиш, имкон қадар бу жараёнга янгилик киритиш, унинг сифатини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки таълим миллат кўзгуси бўлиб, жамият ва давлатнинг юксалиб боришини таъминловчи, халқга яратувчанлик, ижодкорлик хусусиятларини бахшида этувчи категория бўлиб, тайёрланаётган мутахассисларнинг етук кадр бўлишида муҳимдир. Унинг маҳсули - интеллектуал ривожланган, кенг мушоҳада қилувчи, янгилик яратишга интилувчан шахсни тарбиялаш учун таълимнинг ўзи янгиликларга бой бўлиши, унинг мазмунида ижодкорлик руҳи ва мотивлари ҳукм суриши лозим. Бунда инновацион фаолият субъектининг талабларини қондиришдан инновацион фаолият субъекти эҳтиёжининг мажмуавийлигини англаш ва шакллантиришгача бўлган амалий фаолияти

<sup>5</sup> Мирзиёев Ш.М. “Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз”. - Т.: “Ўзбекистон”, 2016.

жараёнида юзага келувчи субъектнинг янгиликни яратиш ва ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж ва қизиқишларини ўзида ифода этувчи, ундовчи куч бўлмоғи лозим.

Таълим хизматлари сифатини бошқариш, уни узлуксиз ошириб бориш ҳамда фуқаролар ва давлатнинг таълимдаги манфаатларини ҳимоя қилиш таълим хизматларини стандартлаштиришни талаб қилади. Бугунги кунда мутахассислар тайёрлаш сифатига қўйилаётган замонавий талаблар таълим муассасаларини бошқариш тизимини қайта кўриб чиқиш, сифатли таълим хизматини кўрсатишга рағбатлантиришни кучайтириш ва натижада, таълим хизматлари сифатини бошқариш тизимини жорий этишни қўллаб-қувватлаш, бошқаришнинг стратегик режалаштиришга, сифат менежменти тизимига асосланган янги тамойилларини шакллантиришни кўзда тутати.

“Таълим сифати - бу таълимнинг (натижа, жараён, ижтимоий тизим сифатида) турли эҳтиёжлар, давлат, жамият, шахс манфаатларига мувофиқлигининг тизимли мажмуаси». Демак, таълим сифати – бу ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантиришга доир эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи таълим хизматлари истеъмоллилиқ хусусиятларининг мажмуаси.

Таълим сифати муаммоларини муҳокама қилишда унинг баҳоланиши, назорати, мониторинги, сифатнинг таъминланиши ва бошқалар ҳақида сўз юритилади. Бинобарин, ҳар бир мамлакатнинг таълим тизими ундаги ижтимоий-маданий муҳит ва ишлаб чиқариш-технологик базаси билан кўплаб мураккаб функционал муносабат ва алоқалар билан боғланган. Шундай қилиб, мамлакатимизда таълим сифатини ошириш юзасидан амалга оширилаётган изланишлар таълим бошқаруви натижавийлиги ва самарасини кўрсатмоқда. Таълим сифатини баҳолаш муаммоси доимо долзарб бўлиб, бугунги кунда ушбу масалага тизимли мажмуали тарзда ёндашилмоқда.

Жамиятда билимдонлик, саводхонлик ва тарбияланганлик даражасини ўстириб бориш учун асосан таълим тарғиботи керак. Бунинг учун ўқитувчи профессионал шахс сифатида иш кўради ва унинг учун таълим тарғиботида кишининг ёши, жинси, ирқи, миллати, ижтимоий мавқеи, эътиқоди аҳамиятсиз ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси бутун жамиятда таълим тарғиботи изчил амалга оширилишидан иборат бўлади.

Зеро, эътибор берилса, олий педагогик таълим жараёнида бўлажак ўқитувчиларни таълим тарғиботига тайёрлаш истиқболли ишлардан биридир. Қолаверса, бу иш кадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросининг ҳозирги сифат босқичида муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода педагог олимларимизнинг таълим самарадорлигини оширишга доир турли вариантларни таклиф қилаётгани бежиз эмас.

Аслида, таълим тарғиботи бугунги кунда ривожланаётган давлатларда

муҳим муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчиларни олий таълим жараёнида таълим тарғиботида тайёрлаш иши зарурий масалалардан бўлиб турибди, Бу борада Сиз педагогларнинг фикрингиз ва тавсияларингиз биз учун муҳим. Жамиятимизнинг янада гуллаб яшнаши учун яна қандай тавсия ва йўл-йўриқларингиз бўлса, фикр алмашамиз деган умиддамиз.

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бабаджанов С. Педагогика олий таълим муассасаси талабаларининг медиакомпетентлигини ривожлантириш технологияси. Автореферат. – Т., 2018.
2. Маматова Я., Сулаймонова С. Ўзбекистон медиатаълим тараққиёти йўлида. –Т.: “Ехтремум-пресс”, 2015.
3. Медиаобразованийе. Российская педагогическая энциклопедия. – М., 1993.
4. Федоров А.В. Развитие медиакомпетентности и критического мышления студентов педагогического вуза. М.: Информация для всех, 2007.
5. Роттер W.Ж. Медиа Литерасй. Тҳоусанд Оакс. Лондон: Саге Рублсатион, 2001
6. Генри Женкинс. “Иштирокчилик маданияти муаммоларига қарши туриш”. 21-аср учун медиа таълими, МИТ Пресс, 6/5/2009
7. Функ, Стивен С.. "Медиа саводхонлиги орқали глобал компетенцияларни тарғиб қилиш" Йилдиз, Мелда Н., ИГИ Глобал, 30.11.2017.